**№ 4/4 -12 -сонли ОБУНА ШАРТНОМАСИ**

_______________ 08.01 2022 йил

**O`zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi «ODILLIK MEZONI TAHRIRIYATI» davlat muassasasi** (кейинги ўринларда "Таҳририят" деб юритилади) директори А.Эшмуродов бир тарафдан ва Тошкент ЖЕЗ ... (кейинги ўринларда "Обуначи" деб юритилади), ... асосида иш юритувчи ... шахсида иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. "Таҳририят" қуйида кўрсатилган журналга 2022 йил учун обуна қабул қилади ва нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва етказиб бериш, Обуначи эса, етказиб берилган журнални қабул қилиш, унинг белгиланган обуна нархи бўйича пул маблағини тўлаш мажбуриятини олади.

| Индекс | НАШР НОМИ | Обуна нархи ҚҚС сиз (сўм) | Обуначи томонидан тўлдирилади | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Сони | Обунанинг умумий суммаси (сўм) |
| 1317 | "ODILLIK MEZONI" илмий-амалий, ҳуқуқий журнал (бир йилда 12 та сон) | 408 000 | 1 | 408.000 |
| **ЖАМИ:** | | | | |

**Шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС сиз** 408 000 (тўрт юз саккиз минг) сўм.

2. Обуначи шартнома бўйича тўланадиган пулнинг 100% ини ушбу шартномага асосан у имзоланган кундан, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида рўйхатга олиш лозим бўлганда, шартнома тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан Таҳририятнинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказади. Тўлов тўлиқ нақд пулсиз шаклда тўлов топшириқномаси асосида ёки нақд пул маблағларни банк муассасалари орқали таҳририятнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. Таҳририят даврий журнални шартномада кўрсатилган манзилга ўз вақтида, шартномада кўрсатилган миқдорда ва сифатли ҳолатда матбуот тарқатувчи ташкилотлар, почта алоқаси воситасида ёки етказиб беришнинг бошқа мақбул усуллари билан етказиб беришни таминлайди.

4. Шартномада кўрсатилган маблағлар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига мувофиқ 100% миқдорида олдиндан амалга оширилиши Обуначи томонидан таъминланади ва шартноманинг белгиланган қисмида ҳамда тўлов топшириқномасида ёки шартнома реквизитлар қисмида ўзининг тўлиқ номини ва манзилини, почта индекси, ИНН (СТИР), ОКЭД, банк ҳисоб рақами, банк коди (МФО), телефон рақамларини тўлиқ кўрсатиши шарт. "Обуначи" обуна шартномасини сканер қилинган вариантларини ва қўшимча маълумотларни электрон шаклни ушбу шартноманинг реквизитлар қисмида кўрсатилган "Таҳририят"нинг **телеграмм рақамларига** юборади.

5. Обуначи мазкур шартноманинг 5-бандларида кўрсатилган шартларни ушбу шартнома ва тўлов топшириқномасида (ёки почта квитанциясида) аниқ ва тўлиқ кўрсатмаган ҳолда тақдим этса, шунингдек, шартноманинг иккинчи нусхаси Таҳририятга қайтарилмаган тақдирда, Таҳририят даврий нашрларни ушбу камчиликлар обуначи томонидан бартараф этилмагунича етказиб беришни кафолатламайди.

6. Обуначи етказиб бериш манзилининг ўзгарганлигини тегишли почта бўлимига ва Таҳририятга манзил ўзгаргандан сўнг 3 кундан кечиктирмай, даврий нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаганлиги тўғрисида эса 10 кундан кечиктирмай билдириши шарт. Обуначи айби билан кечиктириб берилган маълумотга қадар чоп этилган сонларни Таҳририят етказиб беришни таъминламайди.

7. Обуначи Таҳририятга шартномани бир тарафлама бекор қилиш тўғрисидаги таклифини, ташкилот ўз фаолиятини республика ҳудудида тўхтатилганлигини 1 ой хабар қилмаса, обуна суммасининг қолдиғи миқдоридан қатъи назар ҳисоб-китоб қилинмайди.

8. Таҳририятнинг айби билан (форс-мажор ҳолатлардан ташқари) даврий нашрларнинг чоп этилмаган сонлари учун ушбу сонлар суммаси пул маблағи Обуначига қайтарилади.

9. Тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан боғлиқ томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви билан, келишувга эришилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

11. Ушбу шартнома тарафлар уни имзолаган кундан, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилик бўлимларида рўйхатга олиш лозим бўлган тақдирда, тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар шартнома йиллик тўлиқ обуна миқдорига тузилганда эса, даврий нашрнинг сўнги сони чоп эттирилиб, етказиб берилгунига қадар амал қилади.

| **«ТАҲРИРИЯТ»** | **«ОБУНАЧИ»** |
|---|---|
| **O`zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi «ODILLIK MEZONI TAHRIRIYATI» davlat muassasasi**<br>Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6 уй.<br>Телефон: 55-501-02-37, 55-501-02-38<br>Телеграм: 99-827-93-83<br>e-mail- odillikmezoni2019@umail.uz<br>х/р-2021 0000 1008 4341 6001<br>Тошкент шаҳар, "ТИФ Миллий банки" АЖ Саёҳат филиали<br>МФО: 00 905 ИНН: 305 282 707<br>ОКЭД: 58 140<br><br>**Директор ____________ А.Х.Эшмуродов** | QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI TAXIATOSH TUMANI «TAXIATOSH ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI<br>H/r 2021 0000 8003 1423 8001<br>BANK KODI: 00616 STIR: 200366401<br>ATB "O'ZSANOATQURILISH BANK" TAXIYATOSH FILIALI<br>Tel: (0361) 572-26-54 572-70-53 |